# БИОХИЛМАХИЛЛИК ВА МУҲОФАЗА ЭТИЛАДИГАН ТАБИИЙ ҲУДУДЛАР

*Шеримбетов Халилулла Сатимович*

# Ўзбекистон биохилма-хиллиги



**Ўзбекистон биохилмахиллиги 27000 турдан иборат:**

- ❑ 149000 тури умуртқасиз ҳайвонлар,
- ❑ 715 тури умуртқали ҳайвонлар, шундан:
  - ✓ 107 тур сутэмизувчилар,
  - ✓ 467 тур қушлар,
  - ✓ 61 тур судралиб юрувчилар,
  - ✓ 3 тур қуруқликда ва сувда яшовчилар,
  - ✓ 77 тур балиқлардир.
- ❑ 11000 тур ўсимлик, замбуруғ ва сув ўтлаunion, шундан:
  - ✓ 4300 тур ёввойи юксак ўсимликлар:
    - ❖ уларнинг 8% - эндемик турлардир.

*Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига 206 ҳайвон турлари ва 314 ўсимлик турлари киритилган.*

# Биохилмахиллик бўйича Ҳалқаро Конвенциялар ва Битимлар

- Биохилмахиллик тўғрисидаги Конвенция (1992, Ўзбекистон 1995 й.да қўшилган).
- Сувда сузувчи қушлар яшаши учун халқаро аҳамиятга эга бўлган сув-ботқоқлик ҳудудлар тўғрисидаги Рамсар Конвенцияси.(1971 йил, Ўзбекистон 2001 йил 30 августда қўшилган)
- Йўқ бўлиб кетиш хавфи остида турган ёввойи фауна ва флора турлари билан халқаро савдо қилиш тўғрисидаги Конвенция (СИТЕС) Ўзбекистон 1997 йил 25.04.да қўшилган.
- Чўлланишга қарши кураш тўғрисидаги (Ўзбекистон 1995 йил 31 августда Конвенцияни ратификация қилган.
- Кўчиб юрувчи ёввойи ҳайвонларни сақлаш бўйича Конвенция (1973 йил, Ўзбекистон 1998 йил 1 майда қўшилган). Мазкур конвенция доирасида қуйидаги битимлар ва англашув меморандумлари мавжуд:

✓ Сайғоқни сақлаш, қайта тиклаш ва барқарор фойдаланиш бўйича англашув Меморандуми (Қозоғистон, Россия, Ўзбекистон, Туркманистон, Монголия) 2006 йилнинг сентябр ойида кучга кирган. Ўзбекистон Республикаси 2006 йил 23 майда имзолаган.

✓ Ўзбекистон ва Қозоғистон ҳукуматлари ўртасида сайғоқларни муҳофаза қилиш, кўпайтириш ва барқарор ривожлантириш тўғрисидаги битим (2010й, 17 мартда);

# Биохилмахиллик бўйича Ҳалқаро Конвенциялар ва Битимлар

UNEP CMS

- ✓ Кўчиб юрувчи ёввойи ҳайвонларни сақлаш бўйича Конвенция (1973 йил, Ўзбекистон 1998 йил 1 майда қўшилган). Мазкур конвенция доирасида қуйидаги битимлар ва англашув меморандумлари мавжуд:

- ✓ **Кўчиб юрувчи афро-евроосиё сув-ботқоқлик қушларини муҳофаза қилиш бўйича битим (AEWA). (12.12.2003й.);**
- ✓ **Ингичка тумшуқли балчиқчи юзасидаги англашув Меморандум" (1994);**
- ✓ **"Оқ турнани муҳофаза қилиш тўғрисидаги англашув Меморандум" (1998);**
- ✓ **Сут эмизувчилар бўйича Марказий Осиё ташаббуси (ЦАИМ, 2014);**
- ✓ **Бухоро буғисини сақлаш ва қайта тиклаш масалалари бўйича англашув Меморандуми (Cervuselaphus bactrianus) (18.09.2002г).**

# Муҳофаза этиладиган табиий ҳудуд тушунчаси

**“Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида”ги Қонунининг 4-моддаси:** Ернинг ва (ёки) сув кенгликларининг (акваторияларнинг) устувор экологик, илмий, маданий, эстетик, рекреация ва санитария-соғломлаштириш аҳамиятига молик бўлган, хўжалик мақсадидаги доимий ёки вақтинча фойдаланишдан тўлиқ ёки қисман чиқарилган участкалари **муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ҳисобланади**.

Табиий объектлар ва мажмуаларни сақлаб қолиш, такрор кўпайтириш ва тиклаш мақсадида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларда **муҳофаза қилиш ва фойдаланиш режими ўрнатилади**.






## Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг тоифалари

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар белгиланган мақсади ва режимига қараб қуйидаги тоифаларга бўлинади:

- давлат қўриқхоналари;
- мажмуа (ландшафт) буюртма қўриқхоналари;
- табиат боғлари;
- давлат табиат ёдгорликлари;
- айрим табиий объектлар ва мажмуаларни сақлаб қолиш, такрор кўпайтириш ва тиклаш учун мўлжалланган ҳудудлар;
- муҳофаза этиладиган ландшафтлар;
- айрим табиий ресурсларни бошқариш учун мўлжалланган ҳудудлар.

# Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тоифалари ва майдонлари

| I-тоифа МЭТҲ | |
|---|---|
| **Давлат қўриқхоналари (га)** | |
| 1. Зомин | 26 840 |
| 2. Нурота | 17 752 |
| 3. Ҳисор | (80986)<br>78 986 |
| 4.Қизилқум | 10 311 |
| 5. Сурхон | 23 802 |
| 6. Чотқол биосфера | 24 706 |
| 7. Оқтоғ-Томди | 40 000 |
| **Жами** | **(224 397)**<br>**222 397** |

| II-тоифа МЭТҲ | |
|---|---|
| **Мажмуа (ландшафт) буюртма қўриқхоналари** | |
| “Сайғачий” МБҚ | 628 300 |
| **Жами** | **628 300** |

| III-тоифа МЭТҲ | |
|---|---|
| **Табиат боғлари (га)** | |
| 1. Зомин МТБ | 24 110 |
| 2. “Угом-Чотқол” ДМТБ | 506 941 |
| 3.”Зарафшон” МТБ | 2 426,4 |
| 4. “Хоразм” МТБ | 21 687,5 |
| 5.”Китоб геология” МТБ | 3 938 |
| 6.Жанубий Устюрт МТБ | 1 447 143 |
| 7.”Марказий Қизилқум” МТБ | 1 200 000 |
| 8. “Оролқум” МТБ | 1 000 000 |
| 9. “Поп” МТБ | 10 000 |
| 10. “ Омонқўтон” МТБ | 1 500 |
| 11. “Юқори тўполанг” МТБ | 27 851 |
| 12. “Боботоғ” МТБ | 12 064 |
| **Жами** | **4 257 660,9** |

| IV-тоифа МЭТҲ | |
|---|---|
| **Табиат ёдгорликлари (га)** | |
| 1. Варданзи | 124 |
| 2. Мингбулоқ | 1 000 |
| 3. Чуст | 96 |
| 4. Ёзъёвон чўли | 1471,5 |
| 5. Акбаробод | 39,5 |
| 6. Зилха | 22,2 |
| 7. Бустонбува | 8,5 |
| 8. Янгибазар | 470 |
| 9. Пайкент | 30 |
| 10. Варахша | 7 |
| 11. Урунғоч | 43 |
| **Жами** | **3 311,7** |

| **Биосфера резерватлари (га)** | |
|---|---|
| 1. Қуйи Амударё биосфера резервати | 68 717,8 |
| 2. Угам-Чатқол биосфера резервати | 42 952,81 |
| **Жами** | **111 670,61** |

| V-тоифа МЭТҲ | |
|---|---|
| **Буюртма қўриқхонлар (га)** | |
| 1. Арнасой | 63 300 |
| 2. Денгизкўл | 50 000 |
| 3. Қорақир | 30 000 |
| 4. Судочье-Акпетки | 280 507 |
| 5. Мубарак | 264 469 |
| 6. Октау | 15 420 |
| 7. Карнабчуль | 25 000 |
| 8. Кошрабат | 16 500 |
| 9. Нурабад | 40 000 |
| 10. Кумсултон | 4 900 |
| 11. Хадича | 11 300 |
| 12. Борсакелмас | 280 000 |
| **Жами** | **1 081 396** |
| 12. Жайрон питомниги | 16 522 |
| **V тоифа бўйича Жами** | **1 097 918** |

| **Миллий боғ** | |
|---|---|
| Дўрмон | 32,4 |
| **Жами** | **32,4** |

| VII-тоифа МЭТҲ | |
|---|---|
| Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасида:<br>66 ўрмон хўжалиги;<br>10 ўрмон-ов хўжалиги;<br>5 илмий тажриба станцияси;<br>13 ихтисос. ўр. хўжалиги; | 11 441 523 |
| **Жами** | **11 441 523** |

Ҳозирда 7 та давлат қўриқхонаси, 1 та мажмуа (ландшафт) буюртма қўриқхонаси, 12 та табиат боғи, 1 та миллий боғ, 11 та табиат ёдгорлиги, 2 та биосфера резервати, 12 та буюртма қўриқхонаси , 1 та Жайрон махсус питомниги мавжуд. **Уларнинг умумий майдони 6321258,21 га** ни ташкил қилади.

***2017 йилгача МЭТҲларнинг (I-V тоифалари + биосфера резерватлари) мамлакат ҳудудидаги улуши 4,5% бўлган, ҳозир эса бу кўрсаткич - 14,08 % га етди.***

# МУҲОФАЗА ЭТИЛАДИГАН ТАБИИЙ ҲУДУДЛАР ТИЗИМИ




## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МУҲОФАЗА ЭТИЛАДИГАН ТАБИИЙ ҲУДУДЛАР ТИЗИМИ

**Юридик мақомга эга**: **7** та давлат қўриқхонаси, **1** та мажмуа (ландшафт) буюртма қўриқхонаси, **12** та табиат боғи, **1** та миллий боғ, **2** та биосфера резервати, **2** та буюртма қўриқхонаси, **1** та Жайрон махсус питомниги.
**Юридик мақомга эга бўлмаган**: **10** та буюртма қўриқхона ва **11** та табиат ёдгорлиги.

## 2018-2022 ЙИЛЛАРДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН МУҲОФАЗА ЭТИЛАДИГАН ТАБИИЙ ҲУДУДЛАР

| Т/р | Муҳофаза этиладиган табиий ҳудуд номи | Ташкил этилган йил |
|---|---|---|
| 1 | Угом-Чотқол давлат биосфера резервати | 2018 |
| 2 | Зарафшон миллий табиат боғи | 2018 |
| 3 | Урунғоч табиат ёдгорлиги | 2019 |
| 4 | Хоразм миллий табиат боғи | 2020 |
| 5 | Китоб геология миллий табиат боғи | 2020 |
| 6 | Жанубий Устюрт миллий табиат боғи | 2021 |
| 7 | Судочье-Акпетки давлат буюртма қўриқхонаси | 2021 |
| 8 | Марказий Қизилқум миллий табиат боғи | 2022 |

| Т/р | Муҳофаза этиладиган табиий ҳудуд номи | Ташкил этилган йил |
|---|---|---|
| 9 | Оқтоғ-Томди давлат қўриқхонаси | 2022 |
| 10 | Оролкум миллий табиат боғи | 2022 |
| 11 | Поп миллий табиат боғи | 2022 |
| 12 | Боботоғ миллий табиат боғи | 2022 |
| 13 | Юқори Тўпаланг миллий табиат боғи | 2022 |
| 14 | Омонкўтон миллий табиат боғи | 2022 |
| 15 | Борсакелмас давлат буюртма қўриқхонаси | 2022 |
| | **Жами майдони (минг га)** | **4 413,0** |

# Давлат қўриқхоналарининг қўриқланма (буфер) зоналарини белгилаш















"Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида"ги Қонуннинг 47-моддаси ижросини таъминлаш ва экотуризмни ривожлантириш мақсадида:

- ✓ Ҳисор, Зомин, Нурота, Сурхон, Қизилқум давлат қўриқхоналарининг қўриқланма (буфер) зоналари Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 18 февралдаги 94-сон ва 2021 йил 5 майдаги 282-сон қарорлари билан белгиланди.
- ✓ Зиёрат ва экологик туризм турларини ташкил қилиш учун "Ҳисор" давлат қўриқхонасининг Ҳазрати Султон платоси, Сувтушар шаршараси, Динозавр излари ва Амир Темур ғори (жами 2000 га), "Сурхон" давлат қўриқхонасининг Заравутсой ёдгорлиги (395,6 га), Нурота қўриқхонасида минг йиллик арча объектлари қўриқхоналарнинг қўриқланма (буфер) зоналарига чиқарилди.

# МУҲОФАЗА ЭТИЛАДИГАН ТАБИИЙ ҲУДУДЛАР




— Республиканинг умумий майдони
— МЭТҲнинг умумий майдони

# Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг давлат бошқаруви

**Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ташкил этиш, муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги давлат бошқаруви Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек махсус ваколатли давлат органлари (Табиат ресурслари вазирлиги, Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ва «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ) томонидан амалга оширилади.**

- **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**
  - **Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари**
    - **Табиат ресурслари вазирлиги**
      - “Чотқол” биосфера, “Ҳисор”, “Сурхон”, “Зомин”, “Нурота”, “Қизилқум” ва “Оқтоғ-Томди” давлат қўриқхоналари;
      - “Сайгачий” мажмуа (ландшафт) буюртма қўриқхонаси;
      - “Хоразм”, “Жанубий Устюрт”, “Марказий Қизилқум”, “Зарафшон”, “Зомин”, “Угом-Чотқол”, “Оролқум”, “Поп” ,“Омонқўтон”, “Юқори Тўпаланг”, “Оролбўйи” ва “Боботоғ” миллий табиат боғлари;
      - Қуйи Амударё давлат биосфера резервати;
      - Бухоро ихтисослаштирилган “Жайрон” питомниги;
      - Арнасой, Денгизкўл, Қорақир, Судочье-Акпетки, Борсакелмас, Муборак, Оқтов, Карнабчўл, Қўшробод, Нуробод, Қумсултон, Хадича буюртма қўриқхоналари.
    - **Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги**
      - Китоб геология миллий табиат боғи
    - **«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ**
      - Угом-Чотқол биосфера резервати

# Амалга оширилган ишлар




2018-2022 йилларда **1 та** давлат қўриқхонаси, **10 та** табиат боғлари, **2 та** давлат буюртма қўриқхонаси, **1 та** давлат биосфера резервати ва **1 та** табиат ёдгорлиги ташкил этилди.

**3 та** замонавий **Ташриф марказлари,** «**Судочье кўли**» ва “**Сувтушар шаршараси**” экотуристик масканлари барпо этилди.



**1 та** янги маъмурий бино ва **10 та** кордон уйлар қурилди, **2 та** маъмурий бино капитал таъмирланди.



**31 та** транспорт воситаси, **42 дона** контейнерлар, **200 дан ортиқ** фотоқопқон, фотоаппарат, оптик кузатиш воситалари, **15** дона планшетлар ва бошқа анжомлар билан таъминланди.



**20 бош** Бухоро буғуси, **66 бош** Туркман қулонлари иқлимлаштириш учун бошқа ҳудудларга кўчирилди.




**Тўдакўл** ва **Қуйимозор** сув омборлари **Рамсар** конвенцияси, **Қуйи Амударё давлат биосфера резервати ЮНЕСКО**нинг биосфера резерватлари тармоғи рўйхатига киритилди.



2022 йилда **90 дан** ортиқ ходимлар малакаси оширилди

# Соҳада ҳал қилиниши керак бўлган муаммолар

1. Амалдаги “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини янги таҳрирда тайёрлаш.

Бунда МЭТҲ тоифаларини аниқлаштириш ва ***экологик коридорлар*** тушунчасини киритиш, ташкил этиладиган МЭТҲ учун ерларни заҳирага олиниш мезонларини белгилаш, қаттиқ режимли МЭТҲ ерларини олиб қўйишни таъқиқлаш, Давлатлараро МЭТҲ, Халқаро аҳамиятга молик МЭТҲ бўйича янги талаблар киритиш, ҳаволаки нормаларни минималлаштириш ва қонун остидаги ҳужжатлардаги нормаларни киритиш орқали тўғридан-тўғри қўлланиладиган Қонун лойиҳаси тайёрлаш.

2. Умумий майдони 524,2 минг гектар бўлган 10 та буюртма қўриқхона ва 11 та давлат табиат ёдгорлиги юридик мақомга эга эмас.

3. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни замонавий рақамли технологияларни қўллаган ҳолда бошқариш тизимини тубдан яхшилаш, муҳофаза ишларини кучайтириш, илмий салоҳиятни ошириш.

4. Замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда МЭТҲ ларда қўриқлаш ва мониторинг ишлари самарадорлигини ошириш мақсадида SMART-патрул тизимини жорий этиш.

5. Ноёб ҳайвонларни кўпайтириш мақсадида замонавий талаблар асосида табиий питомниклар ташкил қилиш.

6. МЭТҲ ларда экотуризмни ривожлантириш.

# Эътиборингиз учун рахмат!